

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24.30/12.2019.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МОЙЛИЕВ МАРУФЖОН ШОДМОНОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ БУКАНТОВ ОЛТИН МАЪДАНЛАРИНИНГ МОДДИЙ  
ТАРКИБИ, ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚИДИРУВ  
БЕЛГИЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,  
уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Мойлиев Маруфжон Шодмонович</b> Марказий Букантов олтин маъданларининг моддий таркиби, жойлашув хусусиятлари ва қидирув белгилари.....	3
<b>Мойлиев Маруфжон Шодмонович</b> Вещественный состав, особенности размещения и поисковые признаки золотого оруденения Центрального Букантау.....	23
<b>Moyliyev Marufjon Shodmonovich</b> Material composition, features of placement and search signs of the Central Bukantau gold mineralization.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published work.....	46

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24.30/12.2019.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МОЙЛИЕВ МАРУФЖОН ШОДМОНОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ БУКАНТОВ ОЛТИН МАЪДАНЛАРИНИНГ МОДДИЙ  
ТАРКИБИ, ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚИДИРУВ  
БЕЛГИЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,  
уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё.**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/GM95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Карабаев Маматхон Садирович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Туранов Мирали Камалович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Тангиров Абдимутал Исомиддинович**  
геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **«Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ**

Диссертация ҳимояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» февраль соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49)

Диссертация автореферати 2022 йил «8» февраль куни тарқатилди.

(2022 йил «8» февралдаги 8 - рақамли реестр баённомаси).



**М.У. Исоқов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**Н.М. Хақбердиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**М.М. Пирназаров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётидаги замонавий геологик тадқиқотларда янги конларни, жумладан, ёпиқ майдонлардаги олтин конларини башоратлаш ва қидиришнинг илмий асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги йирик конлар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тоғ жинслари ва маъданларнинг моддий таркиби бўйича олинган маълумотлар маъданлашувнинг шаклланиш шароитларини аниқлашда ва уларни башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқишда муҳим ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида турли маъданлар таркибини ва жойлашув хусусиятларини ўрганиш асосида ёпиқ майдонларда фойдали қазилма конларини излашнинг илмий асосланган қидирув мезонларини ишлаб чиқиш юзасидан қатор мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маъданларнинг минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганиш ва улар таркибидаги турли фойдали компонентларнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда маъдан таналарининг морфологик хусусиятларини аниқлаш конларни излашда илмий асосланган мезонларни яратиш имконини беради.

Республикамизда кейинги йилларда геология-қидирув ишларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, соҳани ислоҳ қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, ёпиқ майдонлардаги яширин конлар тоифасига мансуб янги олтин маъданли объектлар аниқланди (Окжетпес, Турбай, Кокпатас маъдан майдонларининг алоҳида участкалари). Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ...салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Марказий Буқантовнинг шимолий-ғарбий қисмидаги яширин олтин маъданлашувини башорат қилиш белгиларини аниқлаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида, 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3004-сон, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон ва 2019 йил 23 июлдаги «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4401-сонли қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация ишидаги тадқиқотларнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Букантов ҳудудида турли хил геологик изланишлар кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан, К.К.Пятков, А.К.Бухарин, Х.Р.Рахматуллаев, В.И.Зонов, А.А.Шапкин, А.А.Рубанов, С.Я.Лapidус, Ю.Т.Абрамов, П.Р.Хакимджанов, Б.А.Исаходжаев, Р.Х.Миркамалов, М.У.Исоқов, М.М.Пирназаров, Ф.К.Диваев, А.Е.Антонов, В.Н.Ушаков, М.А.Ахмеджонов, Э.Р. Бозорбоев, А.Я.Котунов, В.С.Корсаков, Т.Ш.Шаякубов, Я.Б.Айсанов, Л.В.Седельников, З.М.Абдуазимова, М.К.Турапов, М.С.Карабаев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Марказий Букантов майдонида йирик олтин конлари билан бир қаторда Бозтов, Желсой ва Қасқиртов каби истиқболли майдонлари ҳам аниқланган. Уларни саноатда ўзлаштириш охир-оқибатда, техник-технологик ечимларни ишлаб чиқиш, маъданларнинг ва қамровчи жинсларнинг моддий таркибини, физик хоссаларини, маъдан таналарининг жойлашув хусусиятларини замонавий лаборатория ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида мукаммал даражада ўрганишни талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг ҳамда Геология ва геофизика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қасқиртов конининг геологик-структуравий ва минералогик-петрографик хусусиятларини ўрганиш» (2012-2015) ва «Асосий ва ҳамроҳ маъданли элементларнинг магматик, постмагматик ва метасоматик ҳосилаларда учраш шакллари, тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда уларни чуқурликда башорат-қидирув моделларини яратиш (Марказий Қизилқум ҳудудидаги олтин ва олтин нодир металли объектлар мисолида)» (2019-2021) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Букантов тоғининг марказий қисмидаги Бозтов, Желсой ва Қасқиртов истиқболли майдонларида тарқалган олтин маъданлашувининг моддий таркибини ва жойлашув хусусиятларини аниқлаш асосида қидирув баҳолаш белгилари мажмуасини ишлаб чиқиш ва истиқболли майдонларни ажратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Букантовдаги олтин маъданлашувининг маҳсулдор минерал ассоциацияларини ажратиш, типоморф минералларни аниқлаш;

асосий маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минералларнинг типоморф хусусиятларини ўрганиш;

фойдали компонентларнинг микроминерал ва бошқа учраш шакллари тадқиқ қилиш;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг маъданларда тарқалиш хусусиятларини аниқлаш;

худудда яширин олтин маъданлашувини қидириш белгилари мажмуасини ажратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Букантов тоғининг марказий қисмидаги Бозтов, Желсой, Қасқиртов майдонлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Марказий Букантов тоғларидаги олтин маъданлашувининг минералогияси ва геохимёси ҳамда маъдан жойлашувининг структуравий омиллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда, юқори аниқликка эга бўлган замонавий рентген-микронди (Jeol Superprobe JXA-8800R), масс-спектрометр (ISP MS), «Nikon ECLIPSE LV100N POL» микроскоплари қўлланилган бўлиб, лаборатория шароитида олинган петрографик, минералогик ва геохимёвий маълумотларни назарий умумлаштириш ҳамда статистик таҳлил қилишни ўз ичига олган услублардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Марказий Букантовнинг истиқболли Бозтов, Желсой, Қасқиртов майдонларидаги олтин маъданлари таркибида бир қатор янги минераллар аниқланган;

олтин маъданларининг табиий турлари ажратилган, уларнинг минералогик-геохимёвий хусусиятлари ва фойдали компонентларнинг учраш шакллари аниқланган;

олтин ва ҳамроҳ элементларнинг турли хил маъдан турларида тарқалиш хусусиятлари очиб берилган ва уларнинг маъданлашувга индикаторлик аҳамияти асосланган;

илк бор Марказий Букантовдаги Бозтов, Желсой ва Қасқиртов майдонларидаги олтин маъдан таналари дарзли структураларнинг тектоник тўлқинланиш зоналарида жойлашганлиги аниқланган;

яширин олтин маъданларини излашнинг минералогик-геохимёвий ва геологик-структуравий қидириш белгилари ишлаб чиқилган ва улар асосида истиқболли майдонлар ажратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Марказий Букантов тоғларидаги олтин маъданлашувининг геологик-структуравий ва минералогик-геохимёвий қидирув-баҳолаш белгилари мажмуаси ишлаб чиқилган;

олтин маъданлашувининг тектоник бузилиш зоналарида ва гидротермал ўзгариш худудларида тарқалганлиги аниқланган;

турли хил маъданлашувнинг асосий белгиларини ақс эттирувчи қидирув-баҳоратлаш белгилари асосида олтинга истиқболли янги майдонлар ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўрганилаётган объектларда олтин маъданлашувини тадқиқ қилиш борасидаги анъанавий усуллар билан бир қаторда, замонавий петрографик, минералогик ва геохимёвий усуллар қўлланилганлиги ва уларнинг натижалари статистик таҳлил қилинганлиги билан асосланади. Олинган натижалар мажмуавий дала ва лаборатория тадқиқотлар материаллари – Бозтов, Желсой, Қасқиртов тоғларининг олтин маъданлашуви ривожланган майдонларини муфассал текширишга асосланган: 4000 м литологик-структуравий, 1500 м геологик-минералогик кесмалар, 35 км маршрутли тасвирлаш, 68 та батафсил геологик кузатув нуқталари маълумотлари, 43 та кимёвий (силикатли) ва 135 та тоғ жинслари намуналари таркибидаги элементларнинг масс-спектрометрик таҳлил натижалари; бундан ташқари олтин маъданлашув зоналаридан ва камровчи жинслардан олинган намуналар бўйича шаффоф (86 та) ва силлиқланган шифлар (45 та) бўйича тадқиқотларнинг «Nikon ECLIPSE LV100N POL» микроскопи, («Superprobe, Jeol» JXA-8800R) русумли микроанализатори ёрдамида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Натижаларнинг илмий аҳамияти олтин маъданлашувининг маҳсулдор минерал ассоциациялари, типоморф минераллари, маъданларнинг геохимёвий хусусиятлари, ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Марказий Букантов учун геологик-структуравий ва минералогик-геохимёвий қидирув-баҳоратлаш белгилари мажмуасини ишлаб чиқиш ва олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни ажратишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий Букантовнинг шимолий – ғарбий қисмидаги олтин маъданларининг жойлашув хусусиятлари ва қидирув белгилари мажмуасини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

олтин маъданлашувининг маҳсулдор минерал ассоциациялари, уларнинг типоморф хусусиятлари бўйича хулосалар «Регионалгеология» ДУК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 02/31-сон маълумотномаси). Натижада, маъданларнинг моддий таркибини ва технологик хоссаларини аниқлаш имконини берган;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятлари «Регионалгеология» ДУК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 02/31-сон маълумотномаси). Натижада, олтин маъданлашуви жадалроқ бўлган участкаларни ажратишга асос бўлиб хизмат қилган;

олтин маъданлашувининг қидирув-баҳоратлаш белгилари мажмуаси «Регионалгеология» ДУК амалиётига жорий қилинган (Давлат геология

қўмитасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 02/31-сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Қасқиртов ва Ғарбий Бозтов олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 1 таси чет эл журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бет, 14 та жадвал ва 23 та расмдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий Букантов ҳудудининг ўрганилиш ҳолати, тадқиқотлар услуби ва геологик тузилиши**» деб номланган биринчи бобида Марказий Букантов ҳудудининг жойлашган ўрни, геологик жихатдан ўрганилганлиги, тадқиқот усуллари, Букантов тоғларининг ва тадқиқот объектлари бўлган Бозтов, Желсой, Қасқиртов майдонларининг геологик тузилиши, магматик ҳосилалари, тектоник вазияти тўғрисида баён этилган.

Марказий Букантов ҳудуди Букантов тоғининг жанубий ёнбағридаги Оқжетпес тоғидан шимолий-ғарбдаги Қасқиртов тоғларигача бўлган қисмини ўз ичига олади. Бу ҳудудда Кокпатас, Оқжетпес каби йирик олтин-кумушли конлари билан бир қаторда Бозтов, Желсой, Қасқиртов каби олтинга истиқболли майдонлар ҳам аниқланган. Бу майдонлар Кокпатас маъдан майдонининг шимолий ғарбида, Кокпатас кареридан 20 км узоқликда жойлашган.

Букантов майдонини ўрганиш ишлари ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бошланган ва шу даврдан ҳозирги кунгача кўплаб геологлар, илмий тадқиқотчилар изланишлар олиб боришган. Дастлабки тадқиқотлар ҳудуднинг геологик тузилишини, стратиграфиясини, тектоникаси ва магматизминини ўрганишдан бошланган. Шу йўналишларда: И.П. Герасимов, П.К. Чихачев,

А.Ф. Соседко, Н.П. Петров, К.К.Пятков, А.К.Бухарин, Х.Р.Рахматуллаев, В.И.Зонов, А.А.Шапкин, А.А.Рубанов, С.Я.Лапидус, Л.М.Комарова, Ю.Т.Абрамов, П.Р.Хакимджанов, Н.Л.Холопов, С.А.Кушнар, Ю.А.Лихачев, М.А.Ахмеджонов, Э.Р.Бозорбоев, А.Я.Катунов, В.С.Карсаков, Т.Ш.Шаякубов, Т.Н.Далимов, Я.Б.Айсанов, З.М.Абдуазимова, Е.Г.Абдуллаев ва бошқалар геологик тадқиқот ишларини олиб боришган. Бу ҳақидаги маълумотлар уларнинг илмий нашрларида, монографияларида, геологик ҳисоботларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, ҳудуднинг стратиграфияси, магматизмига оид муаммоли вазиятлар ҳалигача аниқ ечимини топмаган.

Маъданларнинг моддий таркибини ўрганиш геологик қидирув ишларини ўтказиш жараёнида зарур вазифалардан бири ҳисобланади. Бу айниқса, янги қидирув майдонлари учун муҳимдир, чунки маъданларнинг минерал таркибини аниқлаш пировард натижада олтин маъданли майдонларини саноатда ўзлаштириш учун катта аҳамият касб этади.

Истикболли Бозтов, Желсой, Қасқиртов майдонларида маъдан қамровчи тоғ жинсларининг минералогик-петрографик таркиби, олтин маъданлашувининг минералогияси, маҳсулдор параген ассоциациялари, олтин маъданларининг табиий турлари, маъданлардаги асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиши, маъданларнинг жойлашув хусусиятларини ўрганишга оид маълумотлар Ю.Т.Абрамов, П.В.Ястребов, М.С.Карабаев, М.М.Пирназаров Л.В.Седельников, Б.А.Исаходжаев, А.И.Тангиоров, Б.Н.Урунов ва бошқаларнинг илмий ишлари ва геологик ҳисоботларида ўз аксини топган. Марказий Букантов ҳудудида маъдан таналарининг жойлашув хусусиятларига оид геологик ишларни Л.В.Седельников ва унинг ҳаммуаллифлари амалга оширган. Уларнинг фикрича, марказий Букантовдаги олтин маъданлашуви Кокпатас чуқур ер ёриғи ва унга параллел ёриқлар зоналари билан алоқадор эканлигини таъкидлашган.

Маъданли минералларнинг ёки алоҳида турларининг типоморф хусусиятларини аниқлашга доир илмий изланишлар Марказий Қизилқум ҳудудидаги Ауминзатов, Бельтов ва Букантов тоғларидаги кўплаб конларда, истикболли майдонларда ҳам олиб борилган. Марказий Букантов ҳудудидаги Қасқиртов, Бозтов ва Желсой майдонларида эса кўпроқ геологик ишлар доирасидаги изланишлар амалга оширилган бўлиб, маъданларнинг минерал таркиблари илмий жиҳатдан батафсил ўрганилмаган.

Букантов тоғларининг геологик тузилишида томезозой бурмаланган фундаментини ташкил қилувчи метаморфик, чўкинди-метаморфик ва магматик тоғ жинслари иштирок этади. Томезозой комплекси ётқизиклари таркибида қуйи палеозой ва юқори протерозой вулканоген-терригенли, кремний карбонатли ва терриген ҳосилалар ажратилган. Улар антиклинал структураларнинг ядроларида очилмалар ҳосил қилган, қоплама жинслар эса тоғ олди текисликларида асосан бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизикларидан таркиб топган.

Ҳудудда интрузив ҳосилалар кенг тарқалган ва улар З.А.Юдалевич, Ф.К.Диваев ҳамда бошқалар томонидан қуйидагича комплексларга

ажратилган: ўрта карбон Букантов, юқори карбон Боколи, Кокпатас ва Олтинтов комплекслари, юқори карбон-қуйи перм Саритов ва Саутбай комплекслари, перм ёшидаги Марказий Букантов дайкали комплекслари.

Букантов тоғи К.К.Пятков, Ю.А.Лихачев, М.М.Пуркин, В.С.Карсаков ва бошқалар томонидан Шимолий Букантов чуқур ер ёриғи таъсирида юзага келган Шимолий Букантов ва Жанубий Букантов структура формацион зоналарига ажратилган. Бу жойда йирик бурмали структуралар ҳосил бўлган: Букантов антиклинали ва Шимолий Букантов синклинали. Кичикроқ бурмали структуралар: Шимолий-Турбай, Турбай, Темиртов, Кокпатас, Бозтов, Окжетпес, Қасқиртов антиклинал структуралари ва Шимолий-Турбай, Жанубий-Каракбай, Ғарбий-Темирбай, Оксой-Тўртқудуқ синклиналлари.

Худудда ер ёриқлари миқёсига кўра минтақавий ва локал (махаллий) турларга ажратилади. Улар маконда жойлашиш ҳолатига кўра, шимолий-ғарбий, шимолий-шарқий, субкенглик, субмеридионал ва уларнинг йўналишига мос бўлмаган оралиқ ҳолатидаги ер ёриқларидан иборат бўлиб, ҳудудда блокли тузилишни юзага келтирган. Энг йириклари Шимолий Букантов чуқур ер ёриғи ва асосан унинг марказий қисмида ривожланган Кокпатас чуқур ер ёриғи ҳисобланади.

Марказий Букантов ҳудудининг геологик тузилишида протерозой ёшидаги кокпатас свитасига оид ётқизиклар кенг тарқалган бўлиб, литологик таркиби бўйича бир-биридан кескин фарқланувчи тўртта пачкага ажратилган. Улар ҳудуднинг 60% қисмини эгаллаб ётади ва тавсифига кўра протерозой ёшидаги кокпатас свитаси: I пачка вулканоген-терриген тоғ жинслари (PR кр<sup>1</sup>); II пачка кварц-хлорит-серицитли, кварц-серицитли сланецлар (PR кр<sup>2</sup>); III пачка карбонат-кремнийли-сланецлар (PR кр<sup>3</sup>); IV пачка кремний-терригенли (PR кр<sup>4</sup>) тоғ жинсларидан ташкил топган. Кокпатас свитаси ётқизикларига мувофиқ ҳолда, бурмали структураларнинг қанотларида очилмалар ҳосил қилиб, қуйи рифей-венд ёшидаги алевролитли-сланецлардан таркиб топган кўксой свитаси (R<sub>3</sub>ks) жинслари ётади.

Шунингдек, тадқиқот майдонида палеозой ёшига доир оҳактош, доломит, доломитлашган оҳактош таркибли карбонатли жинслардан иборат бўлган жузқудуқ свитаси (C<sub>1vdz</sub>) ётқизиклари, ўрта карбон ёшидаги углерод-кремнийли сланецлар ва бўлакли жинслардан иборат лайгак свитаси (C<sub>2lg</sub>) ётқизиклари аниқланган. Карбонатли тоғ жинслари Бозтов, кўтарилмасининг марказий қисмларида очилмалар ҳосил қилади ва қолган жойларда уларнинг устини меза-кайнозой ёшидаги терриген ётқизиклар қоплаб ётади.

Марказий Букантовнинг асосий бурмали структуралари бўлиб, Кокпатас-Бозтов антиклинали ва Кокпатас-Окжетпес грабен-синклинали ҳисобланади. Кокпатас-Бозтов антиклинали шимолдан шимолий-ғарб йўналиши бўйлаб чўзилган. Кокпатас-Окжетпес грабен-синклинали икки томонлама устсурилмадан ташкил топган мураккаб структура бўлиб, ён томони билан бурма қанотлари қадимги ётқизиклардан ташкил топган.

Узилмали структуралар бурмали структуралар йўналишига мос ҳолатда ривожланган. Ҳудуддаги аҳамиятли ер ёриқларидан бири кокпатас чуқур ер

ёриғи хисобланади ва устсурилманинг шарқий қанотига қўшилиб кетган. Бу ер ёриғи йирик тектоник зонани ҳосил қилиб, антиклиналнинг ғарбий қанотига чўзилган.

Диссертациянинг «**Қамровчи жинслар, маъдан турлари ва маҳсулдор парагенезисларнинг таркибий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида, маъдан қамровчи жинсларнинг минералогик-петрографик тавсифи, олтин маъданларининг турлари, тарқалиши ва маҳсулдор ассоциациялари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Марказий Букантовнинг шимолий-ғарбий қисмидаги Бозтов, Желсой ва Қасқиртов майдонларида асосий маъдан қамровчи тоғ жинслари сланецлар, углерод-кремнийли сланецлар, қумтошлар, алевролитлар, карбонатли жинслардан иборат.

*Сланецлар.* Майдонда тарқалган сланецларни таркибан бир-биридан фарқ қиладиган альбит-хлорит-кремний-серицитли жинслар ташкил этади ва ўлчамлари 0,01-0,03мм бўлган альбит (40-60%), хлорит (20-25%) ва тангачасимон серицит (10-15%), ҳамда углеродли моддадан (2-5%) ташкил топган. Тоғ жинсларининг структураси - микродонали лепидобластли, текстураси сланецли, қатламли, йўл-йўл. Сланецларда донадор тарқалган сульфид минераллашуви кузатилади, айниқса, углеродли модда билан бойиган қатламчаларда у кўпроқ учрайди. Пирит идиоморф донали ўлчамлари 0.5-0.7 мм гача, баъзан сланецлашиш йўналиши бўйлаб чўзилган ва 1.5 мм гача бўлган алоҳида хол-хол тарзда тарқалган.

*Қумтошлар ва алевролитлар.* Ўрганилаётган майдонда қумтошлар ва алевролитлар кенг тарқалган бўлиб, зич, яхлит тузилишга эга; таркибига кўра туфли қумтошлар, туфоалевролитлар ва андезитобазальт порфиритлар каби турлари ажратилади.

Туфли қумтошлар асосан кристаллсимон альбитдан (40-45% гача), литокластик хлоритлашган вулкан шишаси (20-25%) ва цементловчи массадан тузилган. Цементи базалли ва вулканик шиша ҳамда кам миқдорда серицит, хлорит ва карбонатдан иборат. Плагиоклаз бўлаклари 45%, асосий қисмини (50%) андезит порфирит ташкил қилади. Тоғ жинсларида хол-хол пиритнинг куб шаклдаги, ўлчамлари 0.2 мм бўлган кристалл доналари учрайди. Тоғ жинсларининг дарзланиш зоналарида 2-8мм қалинликдаги кварц томирчалари учрайди, таркибида майда таблеткасимон донали альбит (2-3%), кубик пирит (0.5-1%) ва кальцит зарраларини кўриш мумкин.

*Карбонатли жинслар.* Тадқиқот майдонида карбонатли жинслардан қатламсимон оҳактошлар ва доломитлар аниқланган. Оҳактошлар микродонали, кучсиз брекчиялашган бўлиб, кальцит (ўлчамлари 0.03-0.07мм), ва кам учрайдиган пирит бўйлаб ҳосил бўлган темир оксиди доналари ва камроқ хлорит ва углеродли моддадан (1%) таркиб топган. Структураси майда донали гранобластли, текстураси брекчиясимон хол-хол. Долломитлар ўрта донали, таркиби: 30-35% кальцит, 60-65% доломит, 0.2-0.3% гача лимонитдан иборат. Долломит зарралари нотўғри шакллар ҳосил қилиб бир-бири билан

бирлашади. Ёриқлар юпқа шаффоф бўлмаган пелитоморф модда билан копланган.

Марказий Букантовнинг шимолий-ғарбий қисмида маъданлашув турлари ўзаро минерал таркиби, морфологик хусусиятлари ва жойлашиш тартиби билан бир-биридан фарқ қилади. Олинган маълумотлар маъдан таналарининг юқори қисмидаги экзоген жараёнлар туфайли ҳосил бўлган оксидланган маъдан турларини ва қуйидаги эндоген бирламчи маъданларни ажратиш имконини беради.

Майдондаги эндоген маъданлашув қуйидаги кетма-кетликда шаклланган параген минерал ассоциацияларидан ташкил топган:

- пирит-пирротинли (метаморфлашган жинслардаги сульфидлашув);
- пирит-арсенопиритли;
- полисульфид-кумуш-олтин-сульфосолли.

Метаморфик жинслар маъданли минералларини пирит (пирит-1) ва унинг таркибида жуда кам миқдорда учровчи пирротин ташкил қилади. Метаалевролитларда ва кумтошларда хол хол деярли изометрик шаклдаги доналар кўринишида ҳосил бўлган пирит нотекис юзалар билан чегараланган, кўп ҳолатларда таркибида қамровчи жинсларнинг реликт қўшимталари кузатилади. Кварц-слюдали сланецларда пирит баъзан жинслар қатламчалари орасида яссиланган доначаларни ҳосил қилади, уларнинг заррачалари ўлчами 0,00n мм дан 1,5 мм гача ўзгаради.

Маъдан минераллашувининг асосий массаси гидротермал ўзгарган зоналар билан алоқадор. Бу каби сульфидли минераллашуви кўпинча маъдан олди ўзгариш зоналарида ёки кварцлашган зоналар чет қисмларида тарқалади.

*Пирит-арсенопирит* параген минерал ассоциацияси пирит-2 ва арсенопирит-1 лардан таркиб топган. Бу ассоциациянинг намоён бўлиш жадаллиги маъданларнинг асосий саноат қийматини белгилайди. Ўзаро миқдорий нисбатига кўра арсенопиритдан кўпроқ бўлган пирит дисперс олтиннинг асосий сақловчиси ҳисобланади. Олтиннинг асосий қисми бирламчи маъдан зоналаридаги сульфид минераллари таркибида аралашмалар сифатида ҳамда оксидланган маъданларда соф ҳолда учрайди. Пирит-2 билан парагенезисда узунчоқ арсенопирит ва камроқ халькопирит-1 намоён бўлган. Бунда пирит йирик (1-2мм) изометрик кристалл доначаларни, арсенопирит – игнасимон, призмасимон, ромбсимон (кўндаланг кесимда) агрегатларни, халькопирит нотўғри шаклдаги ажралмаларни ҳосил қилган.

*Полисульфид-кумуш-олтин-сульфосол* ассоциацияси ингичка, ҳар хил томонларга йўналган пирит-3-сфалерит-халькопирит таркибли кварц-карбонатли томирчалардан иборат. Уларда арсенопирит-2, марказит, халькопирит, халькозин, борнит, сфалерит ва сийрак ҳолатдаги галенитлар учрайди. Ушбу ассоциацияда кумуш сульфиди бўлмиш акантит, хира маъдан (блеклая руда) минераллари ва соф олтин ҳам мавжуд.

Оксидланган турдаги маъдан минерализацияси Қасқиртов, Бозтов майдонларининг 10-15 м дан 30-40 м гача, Желсой майдонида эса 30-60 м гача бўлган чуқурлик қисмларидаги бурдаланган, темир гидроксидлари кенг

шакланган жинслар зоналарида ривожланган. Оксидланган маъданларнинг асосий минераллари темир гидроксиди (гетит, гидрогетит), ярозит, скородит ва соф олтинлардан иборат. Улар охралар, сульфидлар бўйича псевдоморфозалар ва оқма ҳосилалар кўринишида учрайди. Оксидланган маъданлар олтин-ярозит-гидрослюдали (оксидланган маъданлар зонасининг қуйи қисмида) ва олтин-гидрогетит-каолинитли (оксидланиш зонасининг юқори қисмида) ассоциацияларнинг кетма-кет жойлашишидан ташкил топган. Кўрсатилган ассоциацияларнинг зонал жойлашишлари юза сувларининг (гиперген эритмаларнинг) пастга қараб шимилиб бориши натижасида шакланган. Ушбу эритмалар тасирида бирламчи маъданларнинг сульфидли минераллари парчаланиб турли сульфатларни (ярозит, скородит ва б.) ҳосил қилган. Ўта майда-дисперс олтин эса сульфидларнинг таркибидан озод бўлиб, соф ҳолатга ўтади ва гиперген маҳсулдор ассоциацияларни шакллантиради. Бирламчи олтин маъданлари учун пирит-арсенопиритли ва оксидланган маъданлар учун олтин-ярозит-гидрослюдали минерал ассоциациялари асосий маҳсулдор бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Олтин маъданлашувининг минералогияси**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот майдонларида аниқланган маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минералларнинг типоморф хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Марказий Букантовнинг шимолий-ғарбий қисмидаги Бозтов, Желсой ва Қасқиртов истиқболли майдонларидаги бирламчи маъдан асосан пирит, камроқ халькопирит, арсенопирит, галенит, сфалерит ва кам микдорда сульфосоллар ҳамда кумуш ва бошқа минераллардан таркиб топган. Оксидланган маъданлар темир гидроксиди (гетит, гидрогетит), ярозит, скородит ва соф олтиндан иборат.

Тадқиқот майдонларида Марказий Қизилқумнинг бошқа олтин конларидаги каби пирит асосий маъданли минерал ҳисобланади ва тоғ жинслари умумий массасининг 7,2% ни, сульфидларнинг 95-99% ни ташкил қилади. Унинг ўзига хос хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланувчи бир қанча турлари ажратилган.

*Пирит-1.* Майда, хол хол, тарқоқ, ўлчамлари (0,00n-0,0n мм) нотўғри шаклдаги доначалар кўринишида бўлиб, регионал метаморфизм босқичида ҳосил бўлган. Тоғ жинсларида унинг микдори 0.2% гача бўлиб, маъдан балансида аҳамият касб этмайди.

*Пирит-2.* Пиритнинг бу тури кўпроқ кварц ва арсенопирит билан, баъзан эса пирротин, халькопирит, сфалерит ва галенитлар билан параген ассоциация ҳосил қилади. Бирламчи маъданларнинг умумий массасида арсенопиритга қараганда кўпроқ микдорда бўлган бу минерал дисперс олтиннинг асосий концентратори ҳисобланади. Ўлчамлари 0.2-1.5 мм бўлган заррачалари тоғ жинсларининг ўзгарган ва кварцлашган зоналарида томирчалар, линзалар ва алоҳида уюмлар ҳосил қилган; пентагондодекаэдр шаклидаги кристаллари кенг тарқалган.

Пирит-2 таркибида маргимуш миқдори кўпроқ (0.2-0.8%), баъзан Аспиритда 1,62-2,97% гача, бу эса олтиндор параген ассоциациядаги пиритнинг асосий типоморф хусусияти ҳисобланади. Шунингдек, пирит-2 таркибида унинг бошқа турдагиларига нисбатан кобальтнинг юқориқ миқдорини кўриш мумкин (0,24-0,67%), баъзан кобальт миқдори 2,0% гача етади. Пирит-2 таркибида кобальт миқдорининг ортиб бориши ва Со-пиритнинг мавжудлиги унинг типоморф хусусияти ҳисобланади.

*Пирит-3.* Юпка (0,5-1 мм калинликдаги) кварц-карбонатли томирчалар шаклидаги кумуш-сульфид-сульфосолли ассоциацияда ҳосил бўлган; кўпроқ идиоморф, гипидиоморф ва изометрик шаклларда учрайди; галенит, сфалерит, антимонит каби сульфидлар ва турли хил сульфосоллар, баъзан соф олтин билан ассоциация ҳосил қилади. Ушбу ассоциацияда никельнинг минераллари - пентландит ва улманит аниқланди. Пирит-3 таркибида кобальт (0.09-0.39%), никел (0,03-2,33%), мис (0,06-0,28) ва маргимушдан (0,05-0,3%) ташқари, селен (0,1-0,5%), сурьма (0,11-0,24%) ва кумуш (0,1-0,21%) аралашмалари ҳам аниқланган. Ni-пирит ва никель минералларининг мавжудлиги карбонат-кумуш-сульфосол ассоциация учун типоморф хусусият ҳисобланади.

*Пирит-4* кам миқдорда, кечки кальцитли, кальцит-цеолитли томирчаларда майда кубсимон кристаллар шаклида учрайди; таркибида кам миқдорда маргимуш (0,0-0,2%) ва селен (0,07-0,11%) аниқланади; маъданлашувда аҳамиятга эга эмас.

Арсенопирит маъданларда кварц-пирит-арсенопирит парагенезисиде алоҳида хол хол доналар шаклида ва карбонат-кумуш-полисульфид ассоциациясидаги пирит-3 таркибида ажралмалар кўринишида иштирок этади. *Арсенопирит-1* пирит-арсенопирит минерал ассоциацияси таркибида пирит-2 билан бирга идиоморф, узунчоқ, нинасимон кристаллар кўринишида ривожланган. Минералнинг асосий қисми шу генерация билан боғлиқ. Арсенопиритда пирротин ва халькопиритнинг томчисимон микро ажралмалари қайд этилади; унинг таркибида кобальт (0,3-0,8%) ва никельнинг (0,03 – 0,65%) миқдорлари юқориқ, бунда кобальт кўпроқ.

*Арсенопирит-2* карбонат-сульфид-сульфосол ассоциацияси таркибида майда заррали доначалар кўринишида кузатилади. Заррачалар морфологиясига кўра нотўғри шаклли, қисман изометрик ва чегаралари текис. У пирит-4, сфалерит, галенит, хира маъданлар, халькопирит ҳамда кумуш ва қисман соф олтин билан, шунингдек, карбонат ва кварц каби номаъдан минераллар билан ассоциациялар ҳосил қилган. Арсенопирит-2 таркибида ҳам кобальт ва никель аралашмалари иштирок этади (0,23-0,29% гача), баъзи холларда кобальт миқдори 1,4% бўлган Со-арсенопиритини ҳосил қилади.

Тадқиқот ишлари олиб борилаётган майдонларда кенг тарқалган жинс ҳосил қилувчи минераллардан альбит, хлорит, карбонат ва серицитларнинг типоморф хусусиятлари аниқланди.

*Албит* бирламчи чўкинди-метаморфлашган жинсларда ва маъдан олди ўзгарган жинслари таркибида учрайди. Маъданларда кварц-альбитли метасоматик томирчаларини ҳосил қилади ва хлорит, серицит қисман пирит

билан бирга келади; метасоматитларнинг марказий қисмларида йирик донали, чеккаларида майда донали кристалларни ҳосил қилади. Кимёвий таркиби бўйича турли ассоциациядаги албитлар ўзаро фарқ қилади.

*Хлорит.* Ҳар хил параген ассоциацияларидаги минерал турлари батафсил ўрганилган. Березитлашув зонасининг ташқи қисмида, пирит-арсенопиритли томирчаларда хлоритлар асосан диабантит, камроқ пикнохлорит билан намоён бўлган. Маъданлашувгача ҳосил бўлган ассоциацияларда хлоритлар таркибида магний (27,4-29%) ва ванадий (0,42-0,82%) микдорлари нисбатан юқори, темирники паст (7,76-8,74%); маъданлашув билан бирга ҳосил бўлганларида эса темир (24,32-39,66%) ва марганецнинг (0,28-0,49%) микдорлари юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқот майдонидаги олтин маъданларининг ўзига хос минерал таркиби ва минералларнинг типоморф хусусиятлари уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари билан аниқланади ва қидирув-башоратлаш ишларида муҳим белгилар сифатида хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Тоғ жинслари ва маъданларда асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида олтин маъданларини қамровчи жинсларида асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиши, маъдан турларининг геокимёвий тавсифи ва элементларнинг тўпланишида ўзаро бир-бири билан алоқадорлик даражаларини аниқлашга оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Минераллашган зонадаги турли хил қамровчи жинсларда элементларнинг микдори, ўртача микдори ва концентрация даражаларини ўрганиш натижасида уларнинг олтиндорлиги тоғ жинсларининг литологик-петрографик таркибига боғлиқ эканлиги, яъни нисбатан юқори кўрсаткичдаги олтин микдори қамровчи жинсларнинг, асосан кумтош-алевролитли қатламларнинг бурдаланган ва кварцлашган турларига оид эканлиги аниқланди. Бу жинсларнинг маъдан жойлашувида қулайлиги уларнинг петрофизик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, мўрт тузилишга эга кумтошларнинг дарзланишга мойиллиги юқори бўлади ва ҳосил бўлган дарзликлар орасига гидротермал суюқликлар кириши натижасида томирсимон ҳосилалар ривожланади.

Тадқиқотлар давомида, ўзаро ҳосил бўлиш шароитлари, фойдали компонентларнинг учраш шакллари, маъданларнинг технологик хусусиятлари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи эндоген (бирламчи) ва экзоген (оксидланган) маъданлашув зоналаридаги асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятлари алоҳида ўрганилди. Бирламчи ва оксидланган маъдан турларини ажратиш ҳудуддаги олтин конларини саноат ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга эга.

Эндоген маъданлашув зонасида концентрация даражасининг юқори қийматлари қуйидаги элементлар учун хос: Se (109,4), Sb (22,61), Te (13,88), W (13,11), As (10,57), Au (9,6), Mo (6,74), Ag (4,81). Маъданларда селен ва сурьма элементларининг концентрация даражаси юқорироқ эканлиги, ҳудудда

маъдан ҳосил бўлиш жараёнлари нисбатан пастроқ ҳароратда намоён бўлувчи маҳсулдор минералогик-геокимёвий ассоциациялар туфайли амалга ошганлигидан далолат беради. Эндоген маъданлашувда олтин билан ҳамроҳ элементларнинг ижобий корреляцион боғлиқлик даражалари қуйидаги кўрсаткичларга эга: маргимуш - 0.49, кумуш - 0.38, сурьма - 0.37 ва қўрғошин - 0.43. Кумуш эса сурьма (0.77), теллур (0.73), висмут (0.43), маргимуш (0.25) ва полиметаллар гуруҳи билан (0.34-0.41) нисбатан кучли ва барқарор ижобий алоқадорлик касб этган. Асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятлари майдондаги маъданлашув жараёнларида асосан олтин-маргимушли, қўшимча равишда - олтин-кумуш-сульфид-сульфосолли геокимёвий парагенезислар иштирок этганлигидан далолат беради.

Оксидланган маъданлардан олинган намуналарда олтиннинг миқдори 0.1-3.9 г/т, концентрация даражаси эса 134 га тенг эканлиги аниқланди. Кумушнинг ўртача миқдори 0.2-1.9 г/т, концентрация даражаси 11.2 ни ташкил қилади. Олтин ва кумуш миқдорлари қуйидагича нисбатда намоён бўлади  $-Au/Ag = 12/1$ . Шу билан бирга, кларкка нисбатан юқори миқдорлар сурьма (239), селен (164), теллур (65) ва маргимушда (30) кузатилди. Қолган элементларнинг концентрация даражаси анча паст. Оксидланган маъданларда олтин кумуш билан кучлироқ ижобий боғланиш ҳосил қилган (0.61), бу ҳол уларнинг гиперген шароитларда минерал шаклида (соф олтин, электрум ва б.) биргаликда тўпланганлиги билан боғлиқ.

Олтин билан маргимушнинг ижобий корреляцион алоқаси оксидланиш зонасида бирламчи маъданлардагидан 1.5 баробар юқорироқ, айниқса олтин билан платина барқарор алоқани юзага келтириши (0.46) ва платинанинг концентрация даражаси кўпайиши (бирламчи маъданлардагига нисбатан 2 мартага) ушбу шароитда кўрсатилган элементларнинг тўпланиши жадалроқ кечганлигидан далолат. Оксидланган маъданларда бирламчига нисбатан алоҳида элементларнинг ўзаро ижобий алоқалари пасаяди (висмут ва б.) ёки деярли йўқолиб кетиши кузатилади (мис, рух). Оксидланиш зонасида худди олтинда узатилгани каби кумуш ҳам платина (0.90) ва сурьма (0.82) билан кучли ижобий боғлиқлик ҳосил қилган. Шу билан бирга, олтин ва кумуш оксидланган маъданларда ўзаро ҳамда платина ва сурьма билан мустақкам алоқадорлик ҳосил қилган.

